

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 150 (672), 2022 йил 26 июль, сешанба



САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд топган куним муносабати билан чин юракдан ўзларининг самимий табрик ва қутловларини йўллаб, эзгу тилаklarини билдирган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, чет эллик сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Кўп миллатли халқимиз ва давлатимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси бўлган ушбу табрик ва тилаклар мен учун гоёат қадрли бўлиб, уларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қўламли демократик ислохотларимиз ҳамда мамлакатимизнинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг яна бир эътирофи сифатида қабул қиламан.

Мана шу қувончли айёмда "Инсон қадрли стратегиясини амалга оширишда ҳал қилувчи куч бўлган меҳнаткаш ва бағрикенг, кўп миллатли халқимизга ўзимнинг юксак фарзандлик меҳрими ва эҳтиромимни билдиришдан беҳад мамнунман.

Ишончим комилки, эл-юртимизнинг куч-ғайрати ва бунёдкорлик салоҳияти билан

қонун ва адолат барча соҳаларда устувор бўладиган халқпарвар давлат ва жамяят куриш бўйича ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга албатта етамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий қилинди;

кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охиригача уч йилда тўрт баробарга ошиб, 1,9 миллионга етди;

кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришlash учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайтириб, нафақа тайинлашда инобатга олинмаган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробарга оширилди;

ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиклик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтижманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида, 2024 йилдан бошлаб "Йўл хариталари" ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 июль

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Ижро тизимидаги энг катта муаммо — дунёқараш ўзгармаётгани, билимсизлик ва масъулиятсизлик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҚАМЛАШ — ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Қурғоқчил минтақада, океан ва йирик денгизлардан анча олисда жойлашган Ўзбекистон учун сувнинг аҳамияти катта. Мамлакатимизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг асосий қисми қўшни республикалар ҳудудидаги музликлар ҳисобига шаклланади. Айни пайтда минтақадаги барча мамлакатларнинг сув йўллари ва сув олиш манбалари бир-бири билан узвий боғлиқки, улар билан доимий тарзда "сув дипломатияси"ни юритмасликнинг иложи йўқ.



Шу боис, Марказий Осиё халқларининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи энг муҳим неъматлардан бири сув ресурслари-

дир, десам муболага бўлмайти. Қадимдан аждодларимиз обиҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, унумли фойдаланиб,

сув бўйларида ҳамжихатликда ва фаровон ҳаёт кечирганлар. Дарё ва сойлар ўзанларини бошқариб, ариқлар қазиб сув чиқарганлар, турли экинлар етиштириб, манзилларни обод этганлар. Бизнинг заминда деҳқончилик, экинларни суғориш илми, ер ости ва ер усти ирригация иншоотларини барпо этиш тажрибаси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган.

Очигини айтиш керак, яқин тарихимизда, яъни 2017 йилгача бўлган даврда бир муддат минтақада сув ресурсларидан ҳамжихатлик билан фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, саъй-ҳаракатлари натижасида қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга асос бўлмоқда.

Қўшни давлатларга амалга оширилган олий даражадаги таширфлар чоғида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда оқилона фойдаланиш масаласи кўп бора муҳокама қилинди. Натижада кўп йиллардан бунён ечимли келаётган масалалар ўз ечимини топяпти.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯ — МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЗИЁБАХШЛИК ҚУДРАТИ



Бугунги ахборот ва глобаллашув даври жуда қизиқ: бир кун, бир соат, ҳатто бир дақиқа ичида ҳар хил манбалардан ўзингизни қизиқтирган мавзудаги кўпдан-кўп ва турлича ахборот оқими билан танишишингиз мумкин. Бу ранг-баранг ахборотлар баъзан бир-бирини инкор этса, баъзида бири бошқасини тўлдириб, ўзаро уйғунлашиб, янги ахборот ва янги фикрлар учун замин яратди.

▶ Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН:

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз аввалдан Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлаш тарафдори бўлиб келган. Сўнги йилларда Ўзбекистон қўшни давлат билан муносабатларда тамомила ўзгача ёндашув асосида ўз позициясини намоён қилаётгани ҳамда икки томонлама ҳамкорлик янгича қарашлар асосида ривожланаётгани халқаро доираларда эътироф этилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ ДАВОМЧИСИ

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

▶ 6-бетга қаранг.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРATДА

СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ



Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
сув хўжалиги вазири

Бошланғичи 1-бетда

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқалари кўп қиррали даражада — Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро сув хўжалиги мувофиқлаштириш комиссияси, икки томонлама эса сувдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантири-



моқда. Охириги йилларда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар самарасида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича натижаларга эришилди.

Ўзбекистон сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологиялар-

ни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлаётди.

Сўнги йилларда юртимиз сув хўжалигини ривожлантириш бўйича 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 1 та қонун, Президентнинг 5 та фармони, 20 та қарори ҳамда 1 та фармойиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 60 дан ортиқ қарор ва фармойиши қабул қилинган соҳага нечоғли эътибор қаратилаётганини кўрсатиб турибди.

Яқин истиқболда биз учун дастурий-амал бўладиган энг асосий ҳужжатлар, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясидир.

Соҳага доир барча ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш сув хўжалигининг энг кўп бўлинидан тортиб, вазирлик раҳбариятига — барчанинг бурчиغا айланган.

Бу борада "jfo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимга киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши юзасидан Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палата-

Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан 49 та, Президент Администрациясида 274 та, Вазирлар Маҳкамасида 1154 та, бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларидан 4 минг 247 та, жисмоний ва юридик шахслардан 1 минг 504 та ариза ва муносабат келиб тушган бўлиб, барчаси белгиланган тартибда назоратга олинган.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликнинг жами 132 та буйруғи, вазирлик ҳайъатининг 24 та қарори қабул қилинган бўлиб, шундан Ўзбекистон Президенти ва ҳуқуқатининг ҳужжатларида берилган



топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича 25 та буйруқ ва 24 та ҳайъат қарори ҳамда 9 та назорат режаси ва 18 та ҳаракатлар режаси, шунингдек, 4 та йўл харитаси ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Вазир ўринбосарлари фаолияти самарадорлиги ва мақсадли вазифаларга эришилсинг асосий мезонлари орқали баҳолаш тизими жорий этилган, ҳар чорак якуни билан вазирликнинг ҳайъат иғилишида тақдирли руҳда муҳокама қилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мақсадли вазифаларга эришилсинг баҳолашнинг асосий мезонлари (КРІ кўрсаткичлари) тасдиқланган.

Буларнинг барчаси вазирлик тизимида ижро интизоми, қолаверса, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари билан юклатилган вазифалар, функциялар ва прогноз (индикатор) кўрсаткичлари ижросини белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлаш орқали сув хўжалигида ислохотлар натижадорлигини ошириш ва самарадорлигини мустаҳкамлашга асос бўлмоқда.

Вазирлик тизимидаги барча ташкилотларда бошқарув ходимларини очик танлов асосида ишга қабул қилиш механизми тўлиқ жорий этилган. "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти"



Сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ерларни лазер текислаш эвазига 3 миллиард метр куб ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобидан 3,1 миллиард метр куб, АКТ ва рақамли технологияларни жорий этиш, экинларни жойлаштиришда сув кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва шолени интенсив усулда экиш ҳамда қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида 0,9 миллиард метр куб сувни иқтисод қилишга эришилди.

Албатта, галладан бўшаган майдонларда тақририй экинларни сўғориш учун ҳам сув етказиб берилиши таъминланмоқда.

Олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим — сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилари учун ахборот алмашувининг шаффоф механизминини йўлга қўйиш мақсадида "Томчи-реестр" пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда 250 дан ортиқ корхона ушбу платформага тегишли ҳужжатларини онлайн шаклда киритган.

Бугун юртимизда сув тежайдиган сўғориш технологиялари бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш инфратузилмаси шаклланди, деб бемалол айта оламиз. Агар 2019 йилгача ана шундай

маҳаллий корхоналар сони бор-йўғи 3 тани ташкил этган бўлса, ҳозир 43 тага етди. Жорий йил якунига қадар Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 2 та янги корхона ишга туширилади.

Улар томонидан ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилиши ҳисобиغا маҳсулот таннархи бир гектар учун 25 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача арзонлашиб, импортга сарфланадиган валюта тежалишига эришилмоқда.

2022 йилнинг 1 июль ҳолатига жами 98,5 минг гектар майдонда сувни тежайдиган сўғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, шундан жами 37,6 минг гектар, жумладан, 28,7 минг гектар ерда томчилаб сўғориш, 8,9 минг гектар бошоқли дон ва бошоқ экин майдонларида ёмғирлаб сўғориш технологияси ўрнатилди ва 127,1 минг гектар экин майдони лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

Сув улуғ незмат, сувчилик савобли касб. Шунинг билан сув этган миробларимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар таъсирида сувчиларимизнинг ҳам дунёқарашини ўзгартириб, билим ва масъулиятни ошмоқда. Шундай экан, сувчилар ўз олдига қўйилган марраларга эришишига ва билдирилган юксак ишонччи доимо оқлашига ишонамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАКОНИДАГИ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ, ТИЛЛАРИ, ДИНИ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ МУШТАРАКЛИГИ

Шухрат ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий
маркази бош илмий ходими

Марказий Осиё ва Жанубий Осиё энг қадимги инсоният цивилизациясига, бой тарихий ва маданий меросга эга минтақалардир. Шарқ ва Ғарб ўртасида жойлашган бу худудлар кўп асрлар давомида маданиятлар, тиллар ва динлар мулоқотида ва ўзаро ҳамкорлигига ёрдам бериб келди. Минтақаларни уларнинг тарихи, маданияти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги жуда кўп умумийликлар боғлаб туради.

Марказий ва Жанубий Осиё халқлари давлатчилиги пайдо бўлишининг илдизлари жуда қадимги даврларга бориб тақалади.

Марказий ва Жанубий Осиё доимо ишончли савдо йўллари орқали боғланиб келган, улар Яқин Шарқ, Европа ва Хитой мамлакатлари учун кўпrik бўлиб хизмат қилган. Милoddан аввалги III-III-миг йилликлардаёқ савдо йўллари чорраҳаси бўлган Афғонистон орқали Ҳиндистонга чиқишни ўз ичига олган куруқлик йўллари кенг тармоғи пайдо бўлди. Ўз навбатида, Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари Хитой, Европа, Ҳиндистон савдо йўллари чорраҳаси бўлиб, у ерда маданиятлар, савдо-сотик ва динлар бирлашган.

Захириддин Мухаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарига ёзишча, ўша даврда Ҳиндистон ва Урта Осиё ўртасида Афғонистон орқали катта карвон йўли ўтган, у орқали турли юклар ташилган. Маълумки, Бобур тарихга XVI-XVIII асрлардаги Осиёнинг энг йирик салтанатларидан бирининг саркардаси ва асосчиси сифатидагина эмас, балки атоқли олим, шоир ва ёзувчи сифатида ҳам танилган.

Эътиборга лойиқ томонлардан бири шуки, Бобур ўз кўл остидаги маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳурмат қилган, бағрикенглик сиёсатини юритган, ҳар бир фуқаро эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканини эълон қилган. У Ҳиндистон заминидан темирйўллarga хос бунёдкорлик ишларини олиб борди: иморатлар, ҳаммомлар қуриш, боғдорчилик, сув-ер муносабатларини

ни тартибга солиш бўйича муҳим чора-тадбирларни амалга оширди. Ҳиндистоннинг йирик шаҳарлари бўлиши Агра, Лаҳор, Деҳлида саройлар, боғлар курдирди.

Шу муносабат билан Марказий ва Жанубий Осиёнинг умумий цивилизация маконини тавсифловчи қатор омилларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчидан, тарихий-маданий мероснинг умумийлиги. Марказий ва Жанубий Осиё маданияти санъат, мейморчилик, музыка, адабиёт, турмуш тарзи кабиларни ўз ичига олган турли урф-одатлар ва аъёналардан ташкил топган бўлиб, уларга қадим-қадимдан Осиё қитъасидаги кўплаб этник гуруҳлар амал қилиб келган ва ҳозиргача сақланиб қолган.

Урта асрларда Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси таълим даражаси юқори бўлгани билан ажралиб турган. Бу заминда тиббиёт, астрология соҳасида илмий изланишлар олиб борилган. Абу Али ибн Сино, Беруний, Форобий, Сиддхартха Гаутама (Будда), Жина Махавира каби олим ва мутафаккирларнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Антик давр ва илк ўрта асрларда тўпналган ўзига хос маданият ва аъёналар янги тарихий даврда Марказий ва Жанубий Осиё халқлари илм-фани, адабиёти ва маданиятини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Иккинчидан, дин ва тил умумийлиги. Марказий ва Жанубий Осиёнинг асосий динлари ислом ва хиндуизмдир. Минта-

“**ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ БЎЛГАНИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРГАН. БУ ЗАМИНДА ТИББИЁТ, АСТРОЛОГИЯ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛГАН. АБУ АЛИ ИБН СИНО, БЕРУНИЙ, ФОРОБИЙ, СИДДХАРТХА ГАУТАМА (БУДДА), ЖИНА МАХАВИРА КАБИ ОЛИМ ВА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

қаларда буддизм, насронийлик ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар ҳам бор.

Минтақалар ўртасидаги алоқалар ривожланишидаги муҳим босқич буддизмнинг тарқалиши бўлди. Эраимиздан аввалги III аср охирида Кушон императори Ашока томонидан буддизм давлат дини сифатида эълон қилинган, Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасидаги маданий алмашув кучайди. Буддизмнинг тарқалиши Марказий Осиёни хинд фалсафаси, маданияти, фани ва санъати билан таништиришга хизмат қилди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 20 га яқин буддизм ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг қазим ишлари давомида Будда ва бодхисаттва (маърифат излаётган шахс) ҳайкаллари, бўялган плиталар, шунингдек, кўплаб алоҳида ҳайкал-тарошлик парчалари топилган. Барча топилган ёдгорликлар эраимизнинг I-IV асрларидан буддизм кенг тарқалган Кушонлар подшолиги даврига тегишли бўлиб, ўша вақтда Термиз унинг марказларидан бири бўлган.

Тарихчиларнинг қайд этишича, қадимги Сўғдиёна савдогарлари Жанубий Осиёга карвон йўллари билан ривожлантириб, "ҳар икки йўналишда ҳам товар ва ғояларнинг фаол ташувчилари" га айланган.

Бунга "Сўғд савдогарлари ва деҳқонларининг ўқимлиши одамлар бўлганлиги" ёрдам берган. Уларнинг кўпчилиги буддизм динини ҳозирги Марказий Осиё ҳудудига ёйдилар ва кейинги Хан сулоласи даврида эса Хитойда буддизмни биринчилардан бўлиб тарқатганлардан бўлди.

Ҳиндистонда ислом тарихи эраимизнинг VII асри иккинчи ярмидан бошланган. Тахминан шу вақтларда

Ҳиндистонга Яқин Шарқ давлатларидан ислом динини қабул қилган савдогарлар кела бошлади. Ислам динининг таъсири, айниқса, Шимолий Ҳиндистонда яққол сезилди. Исламни қабул қилган кишилар мусулмон жамоаларининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланган. VIII-IX асрларда Марказий Осиёда ислом дини кенг тарқалди. Улка рухонийлари орасидан йирик илоҳиётчилар ва ислом тарғиботчилари пайдо бўлди. Мусулмон уламолари одамларга ислом динини ўргатиш мақсадида Ҳиндистон бўйлаб саёхат қилган. Хусусан, Ҳиндистонда суфийлик ҳозирги Марказий Осиёнинг сиёсий марказларидан тарқалган.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожланишида "тиллер миграцияси" ҳам муҳим омили бўлди. Олимлар хинд-европа тиллари, жумладан, санскрит ва форс тиллари Ҳиндистон яриморлига Евроооидан кириб келганини таъкидлайди. Кейинчалик Ҳиндистонда ислом динининг тарқалиши билан туркий тилларнинг тарқалиши ҳам кучайди.

Тилларнинг ўзаро таъсири халқ оғзига ижоди ва адабиёт орқали ҳам содир бўлган. Шу туфайли бугунги кунда Марказий ва Жанубий Осиё халқлари тилларида кўплаб умумий сўзлар мавжуд. Шунингдек, Марказий Осиё туркий тиллари орқали Жанубий Осиё мамлакатлари тилларига ҳам бир қанча мўғулча сўзлар кириб келган.

Учинчидан, маънавий қадриятлар умумийлиги. Қадимдан Марказий ва Жанубий Осиёда яшовчи халқлар дунёқарашда сув ва ер илоҳийлаштирилган. Марказий ва Жанубий Осиё зардуштийлари ер, сув ва оловни муқаддас, деб билган. Зардуштийлар инсонни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга

тириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни имзолаган эди. Ҳужжатда қуввати 500 кВт бўлган Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясини қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2021 йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ўртасида "Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли қурилиши бўйича "Йўл харитаси" имзоланган эди. Президент Шавкат Мирзиёев буни "аср лойиҳаси" деб атаган ва темир йўли Ўзбекистон тарихидаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлишини таъкидлаган эди.

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг бошқа бир йўналиши Қирғизистон ва Тожикистон энергия тизимларини Афғонистон ва Покистон билан боғлашга мўлжалланган CASA-1000 лойиҳаси саналади.

Ҳамкорликнинг яна бир йўналиши ТАПИ лойиҳаси Туркменистондан Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга 1735 километр узунликдаги газ қувурини тортишдир. Унинг лойиҳавий қуввати йилгача 33 миллиард метр куб газни ташкил қилади.

Марказий ва Жанубий Осиёдаги барқарор ривожланиш истиқболлари Афғонистонда тинчликка эришиш билан узвий боғлиқ. Барқарор ва ривожланётган Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида муҳим кўприк бўлиши мумкин. Эътиборли жиҳат шуки, жорий йилнинг 11 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан 40 та давлат билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисида махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Қарорда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар самарадорлигини ошириш, уларнинг ноёб транспорт, транзит ва сарможий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун транспорт-транзит йўлакларининг муҳим аҳамияти таъкидланган.

Демак, тарихий умумийлик, тил ўхшашлиги, умумий аъёна ва урф-одатларнинг мавжудлиги Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигининг ривожланиши учун улкан имкониятлар яратди. Бундай ҳамкорлик Осиёнинг икки минтақаси ҳудудда истиқомат қилувчи халқлар манфаати ва муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга ҳам туртки бўлади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН: ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Рустам РАШИДОВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Аввало, Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича позицияси тинчликпарварликка таянган, мамлакат ичидаги барча масалаларни ўзаро изчил мулоқот орқали бартараф этишга, шунингдек, жафокаш афғон халқининг кундалик турмуш шартини яхшилашга қаратилгани билан жаҳон ҳамжамияти эътиборига сазовор бўлмоқда. Мамлакатимизнинг йиллар давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан тортиб, қатор халқаро ва минтақавий тузилмалар фаолиятида Афғонистонга доир истиқболли таклиф ва ташаббусларни илгари сураётгани ҳамда уларнинг бевосита ҳаётга таътиб этилишида амалий қадамлар кўяётгани барчанинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан муносабатларидаги янги қараш ва ёндашуvingнинг ўзига хос жиҳатлари қатор омилларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларида Афғонистон масаласи асосий мавзуга айланди. Хусусан, сўнгги беш йилда Ўзбекистон етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг барча учрашув, форум ва йиғилишларида, албатта, қўшни давлат хусусида тўхталиб ўтмоқда. Бу борада сўз кетганда, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеялари йиғилишида уч маротаба, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитларида беш маротаба, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ташаббуси билан Афғонистон мавзусида алоҳида халқаро даражадаги конференция ва учрашувлар ташкил этилаётгани ва юқори савияда ўтказилаётгани ҳам ўзбек дипломатиясининг Афғонистон

ҳамда 2021 йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция шулар жумласидан.

Иккинчидан, Афғонистонда, аввало, тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш зарур, шундан сўнг бошқа масалалар билан шуғулланиш мумкин, деган қарашлардан фарқли равишда Ўзбекистон афғон жамиятидаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш зарурлиги ва шу орқали мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий кескинликни бирмунча юмшатиш ҳамда қўшни халқнинг турмуш даражасини бир қадар яхшилаш мумкинлиги ҳақидаги қарашни илгари сурган эди. Бу борада давлатимиз томонидан Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмага доир қатор лойиҳалар амалга оширилгани ҳамда ушбу саъй-ҳаракатлар орқали жафокаш афғон халқининг манфаатдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмага доир йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатларини мамлакатимизнинг афғон можаросини бартараф этишдаги янги ёндашуви сифатида эътироф қилиш ҳамда мазкур фаолият бугунги кунда янада юқори босқичга кўтарилаётганини қайд этиш ўринли. Zero, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги чиқишида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши кераклигига урғу бергани ҳам бежиз эмас.

Учинчидан, Ўзбекистон Афғонистонга катта муаммо ва хавф-хатар учоғи сифатида қарашдан тамомила воз кечиш, ушбу замин истиқболда бутун Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим кўприк вазифасини бажариши мумкинлиги борасидаги ёндашувида намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграция қилиш мақсадида Мозори Шариф шаҳридан Ҳинд океани портларига олиб чиқадиган янги "Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўлини куриш таклифини илгари сурган эди. Президентимизнинг ушбу ташаббуси янги ва халқаро даражада қизиқиш уйғотган лойиҳа сифатида эътироф этилди. Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига олиб чиқувчи ушбу стратегик темир йўлни куриш келгусида Ўзбекистон ва Покистон билан бирга Марказий ҳамда Жанубий Осиё минтақасидаги кўплаб мамлакатларнинг умумий равишига катта ҳисса қўшади. Шу боис, мазкур ташаббус халқаро даражада кўплаб-қувватланди ва айни пайтда мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Афғонистондаги ички сиёсий жараёнлар ишти-

публикаси Президенти ташаббуси билан 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференция муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур конференцияда иштирок этиш учун "Толибон" ҳаракатининг Доҳадаги ваколатхонасига Ўзбекистон номидан расмий таклифнома юборилган эди. Гарчи толиблар ушбу конференцияда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, анжуман бошланиши арафасида улар мазкур анжуманга хайрихоҳлик билдирган ва ўзларига қулай пайтда, албатта, Ўзбекистонга ташриф буюриш истагида эканлигини маълум қилган эди.

"Толибон" ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги вазиятга нисбатан позицияси самимий эканига ва амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари жиддийлигига гувоҳ бўлгач, ҳукуватимиз билан ўзаро фикр алмашиш ва учрашув ўтказишга, бир сўз билан айтганда, бевосита муносабатлар олиб боришга тайёригини билдирди. 2019 йилнинг августига "Толибон" ҳаракати раҳбари ўринбосари ва Қатардаги сиёсий ваколатхонаси раҳбари Мулла Абдулгани Бародар бошчилигидаги толиблар ҳайъати мамлакатимизга ташриф буюрди ва давлатимиз расмийлари томонидан илиқ кутиб олинди. Ўзаро учрашувлар чоғида "Толибон" ҳаракати вакиллари мамлакатимизнинг афғон йўналишидаги саъй-ҳаракатларини кўплаб-қувватлашини ҳамда ўзаро муносабатларда ҳамкорликка тайёригини маълум қилди. Ушбу учрашувдан сўнг мамлакатимиз ҳукумати ва "Толибон" ҳаракати ўртасида бевосита муносабатлар ўрнатилди, деб айтиш мумкин. Мазкур муносабатларни ўрнатиш орқали Ўзбекистон афғон зами-нида нилолашаётган томонларни қуролли хатти-ҳаракатларни тўхтатишга, тинч музокаралар олиб боришга даъват этиб келди. Бир сўз билан айтганда, юқори-

“ТОЛИБЛАР” ҲОКИМИЯТГА КЕЛГАНДАН KEЙИН ЎТГАН БИР ЙИЛГА ЯҚИН ВАҚТ МОБАЙНИДА МАМЛАКАТДА, АВВАЛО, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШ, ГУМАНИТАР ИНҚИРОЗНИНГ, ЯЛПИ ОЧАРЧИЛИК РЎЙ БЕРИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИГА ЭРИШДИ ҲАМДА МИНТАҚАДАГИ ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРНАТИШГА ИНТИЛДИ. БУ ПАЛЛАДА МАМЛАКАТДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МУАЙЯН ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНДИ, ТУРЛИ ТЕРАКТЛАР ВА ЖИНОЯТЛАР КЕСКИН КАМАЙДИ, ИЛГАРИДАН АФҒОНИСТОНДА БИРМУНЧА ФАОЛ БЎЛГАН БАЪЗИ ТЕРРОРЧИ ГУРУҲЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ ҲАМ АНЧА ЧЕКЛАНДИ.

даги қараш ва ёндашувлардан ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг Афғонистондаги мураккаб вазиятга доир позицияси қай тарзда шакллانгани ва муносабатларнинг ўрнатилиш тадрижи-лигини кўриш мумкин.

Энди замонавий дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар, хусусан, Марказий Осиё минтақаси атрофида кечаётган жараёнлар таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг минтақамиз ва унга ёндаш ҳудудлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда янги поғонага кўтариш нуктаи назардан олиб бораётган амалий саъй-ҳаракатига эътибор қаратмоқчимиз.

Жумладан, қўшни Афғонистонни ҳам минтақавий жараёнлар иштирокчисига айлантириш ва шу орқали ушбу мамлакатдаги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги амалий қадамлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг эътиборига молик жиҳати сифатида кўзга ташланмоқда.

2021 йилнинг августига Афғонистонда ҳукуватга келган "Толибон" ҳаракати минтақадagi барча давлатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳам яқин қўшничилик муносабатлари ҳамда олдинги ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш истагида эканини маълум қилди. Бу толибларнинг минтақавий жараёнларга бефарқ эмаслигини, уларнинг ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларга хайрихоҳлигини намоён этди. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон томони ва "Толи-



бон" ҳаракати ўртасидаги ўзаро муносабатлар янги мазмун ва қўламда олиб борилмоқда. Ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида иккала томон ҳукуматлари ҳамда турли вазирликлари даражасида бир неча маротаба учрашув ва мулоқотлар олиб борилгани томонларнинг ўзаро ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдорлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон томони жаҳон ҳамжамияти олдида толиблар ҳокимиятга келгач, улар билан муносабатларни юритиш зарурлигини илгари сурган илк давлатлардан бўлганини қайд этиш лозим. Бу борада мамлакатимизнинг тутган позицияси қатор омилларда акс этди:

аниқ реаллик экани, халқаро ҳамжа-мийат ҳам ушбу реал вазиятдан келиб чиқиб ёндашиши лозимлиги хусусида аниқ тўхтамга келган эди.

Мазкур форматдаги учрашувларда Ўзбекистон томони Толибон ҳукумати билан ўзаро муносабатларга доир қуйидаги таклифларни илгари сурди:

— "Толибон" бутун Афғонистон ҳудудини қамраб олган муваққат ҳукуват ташкил қилди ва халқаро ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда — бу мамлакатдаги янги реалликдир;

— мамлакат халқаро изоляцияга тушиб қолмаслиги учун Афғонистон бўйича можародан кейинги стратегияни ишлаб чиқиш зарур;

— Афғонистон минтақавий хавфсизликнинг муҳим фактори бўлиб қолмоқда;

— "Толибон" ҳаракатидан инклюзив ҳукуват тузиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш кутилляпти;

— Афғонистоннинг музлатилган маб-лағларини эркинлаштириш, уни иқтисодий ҳамкорликка ва инфратузилмавий лойиҳаларга қорлаш, мамлакатга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш ва уни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш керак.

"Толиблар" ҳокимиятга келганидан кейин ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида мамлакатда, аввало, тинчлик-осойишталикни сақлаш, гумани-тар инқирузнинг, ялпи очарчилик рўй беришининг олдини олиш, давлат тузилмалари фаолиятининг давом этирилишига эришди ҳамда минтақадagi қўшни давлатлар билан илиқ муносабатларни ўрнатишга интилди. Бу паллада мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлик муайян даражада таъминланди, турли терактлар ва жиноятлар кескин камайди, илгаридан Афғонистонда бирмунча фаол бўлган баъзи террорчи гуруҳларнинг ҳаракати ҳам анча чекланди.

Ўзбекистон ҳукумати ўтган давр мобайнида Афғонистондаги вазиятни кузата туриб ҳамда толиблар билан бугунги кундаги илиқ муносабатларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, шунингдек, қўшни давлат билан бўладиган таклиф алоқаларнинг истиқболини яхши англаган ҳолда, "Толибон" ҳаракатини халқаро даражада тан олиш ишларини тезлаштириш зарурлиги хусусида ташаббус билан чиқди. Бу ҳақда Афғонистонга қўшни Покистон, Эрон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой давлатлари, шунингдек, Россия расмийлари иштирокида Афғонистон масаласи бўйича шу йилнинг 30-31 март кунлари Хитойда бўлиб ўтган учинчи халқаро даражадаги учрашувда маълум қилинди. Ушбу ташаббус замирида ҳам Ўзбекистон Афғонистонга муаммолар макони эмас, балки имкониятлар замини сифатида қараётгани, ўз навбатида, толиблар ҳам минтақа доирасидаги ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик барча учун манфаатли бўлишини яхши англаётгани му-жассамлиги аққол акс этади.

Ушбу масала Афғонистоннинг минтақа даражасидаги ва халқаро миқёсдаги турли савдо-иқтисодий, транспорт-логистик, молиявий, гуманитар жараён-ларга киришиши ва интеграциялашуви тезлаштирилишини кўзда тутди ва

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИ ИЛГАРИ СУРГАН ВА АФҒОНИСТОН ҲУДУДИ ОРҚАЛИ ПОКИСТОНГА ЎТУВЧИ, ҚИЙМАТИ 5 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ДЕБ БАҲОЛАНГАН “МОЗОРИ ШАРИФ — КОБУЛ — ПЕШОВАР” ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ҚУРИЛИШИ МУАЙЯН ХАЛҚАРО БИТИМ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛИШИ ҲАМДА ИМЗОЛАНИШИНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. САБАБИ, УШБУ ЙИРИК ЛОЙИҲАГА БИР ҚАТОР ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЭҶТИЁЖИ МАВЖУД. ТАБИИЙКИ, ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ЧЕТ ЭЛЛИК ҚУРУВЧИ-МУҲАНДИС ВА ИШЧИЛАРНИНГ АФҒОНИСТОН ҲУДУДИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШИ, УЛАРГА ТЕГИШЛИ РУХСАТНОМА, ВИЗА ҲУҶЖАТЛАРИ БЕРИЛИШИ, ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ КАФОЛАТЛАНИШИ ЛОЗИМ.

унинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар-да намоён бўлади:

Хусусан, Ўзбекистон томони илгари сурган ва Афғонистон ҳудуди орқали Покистонга ўтувчи, қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг деб баҳоланган "Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўлининг қурилиши муайян халқаро битим ва шартномалар тузили-ши ҳамда имзоланишини талаб этади. Сабаби, ушбу йирик лойиҳага бир қатор чет эллик инвесторлар, малакали мутахассисларни жалб этиш эҳтиёжи мавжуд. Табиийки, темир йўл қурили-шида бевосита иштирок этувчи чет эл-лик қурувчи-муҳандис ва ишчиларнинг Афғонистон ҳудудида фаолият олиб бо-риши, уларга тегишли рухсатнома, виза ҳужжатлари берилиши, хавфсизлиги таъминланиши кафолатланиши лозим. Қолаверса, темир йўл қурилиши учун зарур материаллар ва махсус техник воситаларни Афғонистон ҳудудига олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби каби бошқа кўплаб жиҳатлар мавжудки, ушбу масалаларни бевосита афғон ҳукумати билан келишиш ҳамда тегишли битим ва шартномалар орқали муस्ताқамлаш зарур.

Шунингдек, Афғонистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган ҳолда, мам-лакатнинг янги ҳукумати билан ушбу соҳада тегишли тартибда ҳужжатлар-ни имзолаш зарурати мавжудлигини таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз-нинг Афғонистон билан кейинги йил-лардаги ўзаро савдо айланмасига эътибор қаратар эканмиз, бу борада ижобий ўсиш кузатилаётганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, кейинги 5 йилда ўзаро товар ва хизматлар айланмаси ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан 800 миллион АҚШ долларига кўта-рилган. Ушбу кўрсаткичнинг келгусида 2 миллиард АҚШ долларига еткази-лиш имконияти мавжуд ҳамда мазкур йўналишда бир қатор тегишли сав-до-иқтисодий келишувлар ва битим-лар имзолаш зарурати юзага келган. Ушбу келишув ва битимлар толиблар ҳукумати билан имзоланиши ва халқ-қаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши лозим.

Бундан ташқари, толиблар ҳукумати билан минтақадagi қўшни давлатлар ўртасида чегаралар дахлсизлиги, чега-ра ҳудудларида хавфсизликни таъмин-лаш, гиёҳвандлик моддалари етишти-рилиши ва олди-сотдасига чек қўйиш, фуқароларнинг ўзаро қўшни давлатлар-га кириш-чиқиши ва ҳаракатланиши ма-салаларида ҳам ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда олиб бориш зарур.

Ўзбекистон томони минтақа давлат-лари, ҳамкор мамлакатлар ва Афғонис-тон билан барча устувор йўналишлар-даги муносабатларни чуқурлаштириш ҳамда афғон халқининг турмуш дара-жасини яхшилашга қаратилган йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликни давом этти-ришга содиқлигини намоён қилмоқда. Бу барча иштироки томонлар ман-фаатига тўла мос келади ҳамда бутун минтақанинг келгуси тараққиёти учун муҳим пойдевор бўлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОНДА ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАГА ДОИР ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИ ВА АМАЛИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АФҒОН МОЖАРАСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИШ ҲАМДА МАЗКУР ФАОЛИЯТ БУГУНГИ КУНДА ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАЁТГАННИ ҚАЙД ЭТИШ ЎРИНЛИ. ZERO, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДАГИ ЧИҚИШИДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, АФҒОНИСТОНДАГИ ЎТКИР ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛИШИ КЕРАКЛИГИГА УРҒУ БЕРГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС.

йўналишидаги салмоқли саъй-ҳара-катлари натижаси сифатида баҳолаш лозим. 2018 йилнинг 26-27 март кун-лари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича олий даражадаги "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳаси-да ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференция

роқчиси бўлиб келган "Толибон" ҳара-кати билан 2018 йилдан бошлаб бевосита мулоқотга киришган эди. Мамлакатимиз томонидан бундай муносабатларга ки-ришишдан мақсад толибларни афғон заминидagi фаол сиёсий куч сифатида музокаралар жараёнига жалб этишдан иборат эди. Жумладан, Ўзбекистон Рес-

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯ – МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЗИЁБАХШЛИК ҚУДРАТИ



Гулом МИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Бошланғичи 1-бета

Мана, ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Бир ахборот манбасида дунё аҳолисининг 18 фоизи кунига ҳеч бўлмаганда 40 дақиқа Интернетга уланганлигини тасдиқлаётган эди. Бу эса БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларида кўзда тутилган "Кам ривожланган мамлакатларда аҳолининг 2020 йилгача ёлпасига эриш" Интернетга уланганини таъминлаш" режаси ижросида анчагина муаммолар борлигини кўрсатади.

Бошқа бир манбада қайд этилишича, 2022 йил биринчи ярмида мамлакатимизда 23 миң километрдан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилган. Натيجида, Speedtest Global Index рейтингига кўра, Ўзбекистон симили Интернет ресурсларининг юқлини тезлиги бўйича 182 та давлат ичида Арманистон, Қозғистон, Туркия ва Озарбайжон давлатларини ортда қолдириб, 86-ўринни эгаллаган.

Буюк Британиянинг Cable.co.uk портали маълумотларига қараганда, дунё рейтингига Ўзбекистон мобил Интернет арзонлиги бўйича 15-ўринни эгаллаётди. Бунга қадар, БМТ Халқаро электр алоқа иттифоқининг 2021 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон кенг полосали мобил Интернет нархлари бўйича БМТнинг 2 фоизлик кўрсаткичини бажарган 4 давлат қаторидан жой олган.

Шу мавзуга тааллуқли яна иккита рақам келтираман. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар сони 25 миллиондан ошган. Ижтимоий тармоқлар, хусусан, Фейсбук, Инстаграм, Телеграмда бир кунда 5 миллионга яқин киши фаолдир.

Айтимоқчиманки, биринчидан, ҳамюртларимиз атиги бир соат ҳам Интернетга уланганлигини қўқиб қўймаган 18 фоиз дунё аҳолиси сирасига кирмайди. Иккинчидан, БМТнинг Барқарор

рор тараққиёт мақсадларини бажариш борасида Ўзбекистон айти йўналишда ҳам изчил оқимлаётганини келтирилган далиллар тасдиқлаб турибди.

Интернет ҳақида гап очганим бежиз эмас. Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар бошланган дастлабки кунлардаёқ ҳамкасбларим билан бирга амалдаги Конституциянинг 29-моддаси биринчи қисмини: "Ахборотни замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги кафолатланади", деган мазмундаги норма билан тўлдирish юзасидан таклиф юборгандик.

Ҳозир умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасида 29-модда қуйидаги тахрирда тақдим этилган: "Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга."

Хар ким истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Хар ким Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳуқуқларни чеклашга фақат мавжуд конституциявий тузумни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини ҳамда тартибини химоя қилиш, шунингдек, давлат сири ёки бошқа сир деб эътироф этилган ахборот ошқор этилишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолларда, қонун билан йўл қўйилади".

Яъни, бир томондан, мазкур модда шаклан кенгайган — амалдаги икки бандлик матн лойиҳада тўрт бандга қўйилган бўлса, иккинчи томондан, ушбу конституциявий нормаларнинг мазмун-моҳиятидаги қамров кўлами ортган. Қолаверса, айти шу модда мазмунини ўзгартиришга эътибор қаратган кўпчилик юрдошларимиз қатори Конституциявий қонун лойиҳасида таклифимиз инobatта олинганини қўриб биз ҳам қувондик.

Шу билан бирга, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси мuddати ҳозирга қадар икки марта узайтирилди ва яна узайтирилиши эҳтимоли йўқ эмас. Конституциявий комиссия матбуот хизмати маълумотларига қараганда, аҳолидан лойиҳанинг ҳар бир моддаси бўйича кўплаб таклифлар келиб тушмоқда. Бу таклифлар орасида бир-бирини тўлдирадиган, маъқуллайдиган, шунингдек, бири бошқасини инкор этадиганлари ҳам бор.

Бундай қизгин жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситаларида ҳам давом этмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизда Интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатлигини аксарият юрдошларимиз кўплаб-қувватлаётганини кузатиш мумкин.

Ҳақиқатан, биз яшаётган XXI асрда инсоннинг фикр ва сўз эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш сингари ҳуқуқлари қандай амалга оширилиши унинг ахборот ресурслари,



**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН
КОНСТИТУЦИЯСИДАН "ХАР КИМ ИНТЕРНЕТ
ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИГА КИРИШ
ВА УНДАН ЭРКИН
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА" ДЕГАН
НОРМАНИНГ
ЖОЙ ОЛИШИ САҚЛАБ БИЛАН
ҲАМҚАДАМЛИГИМИЗНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАСДИҒИДИР.**

коммуникация технологиялари, хусусан, Интернетдан қанчалик эркин фойдаланишига бевосита боғлиқ.

Конституциявий комиссия маълумоти қараганда, 2022 йил 4 июль кунини Бухоро вилоятидан фуқаро Д. Ҳожиёв 29-модданинг биринчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этишни таклиф қилган: "Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни миллий урф-одат ва қадриятларини инobatта олган ҳолда тарқатиш ҳуқуқига эга".

Албатта, Конституциявий қонун лойиҳаси 29-моддасидаги охириги бандга эътироз билдирилганлар ҳам, ушбу нормани олиб ташлашни таклиф этаётганлар ҳам йўқ эмас. Шундай бўлиши ҳам керак. Зотан, умумхалқ муҳокамаси — мутлақо демократик жараён. Бу ҳолис жараёнда маромига етказилган конституциявий нормалар, пировардида том маънодаги халқ Конституциясига эга бўлишимизни таъминлайди.

Шу уринда табиий бир савол туғилади: бундан 30 йил илгари, амалдаги Конституциянинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида айнан 29-модда тахририга кенг жамоатчилик муносабати қандай бўлган? Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция икки марта умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган. Хусусан, даврий матбуотда 1992 йил 26 сентябрь кунини умумхалқ муҳокамаси учун янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссияси ишчи гуруҳи тайёрлаган ва умумхалқ муҳокамасига эълон қилинган ушбу лойиҳада 29-модда (архивдаги матнда — 28-модда) қуйидаги матндан иборат бўлган:

"Хар ким ҳур фикрлилик, сўз ва эътиқод эркинлигига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир."

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат шахсий, тижорат, шунингдек, давлат сири бўлганлиги сабабли қонун билан чекланиши мумкин".

Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинган, унинг умумхалқ муҳокамаси кенг тус олган. Ушбу очик-ошқора муҳокамалар 1992 йил сентябрь ойи охиридан — декабрь ойи бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринчилиги руҳида ўтган.

Академик Акмал Саидовнинг 2017 йили нашр этилган "Ўзбекистон Конституцияси тарихи" китобида бу ҳақда архив ҳужжатларидан бир қатор маълумотлар жамланган. Конституциянинг 29-моддасига алоқадор бўлган айрим таклифларга тўхталамиз. Жумладан:

Тошкент шаҳридан фуқаро Ш. Аҳмедов "Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир", деган иборани ушбу моддадан олиб ташлашни ёки қуйидаги жумла билан алмаштиришни таклиф этган: "фавқулодда ҳолат ва ҳарбий ҳолат даври бундан мустасно".

Бухоро вилоятидан Р. Усмон Яраш ўғли мазкур жумлани қуйидаги тахрирда ёзишни сўраган: "Ахборот тарқатилган шахс ахборотнинг тўғрилиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардир". Ушбу таклиф Ишчи гуруҳ томонидан инobatта олинган ва "Оммавий ахборот воситалари тўғри-

сидаги қонунда ўз ифодасини топган", деган изох билдирилган.

Пахтачи туманидан А. Қаландаров эса ушбу моддага қуйидаги қўшимча киритишни таклиф қилган: "шахсий оилавий, шахсий ва бошқа маълумотлари унинг розилигисиз бошқа шахс томонидан оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилиши тақиқланади".

Тошкент шаҳридан Н. Нарзиқулов ушбу модданинг биринчи жумласини "хар бир фуқаро сўз, эътиқод эркинлигига ва уни химоя қилиш ҳуқуқига эга", деган тахрирда ёзишни таклиф қилган.

Фаргона вилоятидан А.Жўраев модда матнидаги "Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир", деган жумлани олиб ташлашни таклиф қилар экан, чунки хар қандай танқидий ахборотни тузумга қарши, деб баҳолаш мумкин, деган фикрни билдирган.

Айни шу жумлани Фаргона вилояти уламолар Кенгаши аъзолари қуйидаги тахрирда беришни таклиф қилган: "Конституциявий тузумни зуравонлик йўли билан ағдариб ташлашни тарғиб қилувчи ахборот бундан мустаснодир".

Шу тарихи умумхалқ муҳокамалари давомида билдирилган таклиф-муҳоказалар инobatта олинган ҳолда, иккинчи марта матбуотда 1992 йил 21 ноябрь кунини эълон қилинган Конституция лойиҳасида 29-модда қуйидагича акс этган:

"Хар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".

Агар эътибор берилса, ушбу матн Конституциянинг 29-моддасидаги ҳозир амалда бўлган норманинг деярли ўзидир. Бу уринда "деярли" дейишимизнинг сабаби шуки, 1992 йил 8 декабрь кунини парламентда Конституция лойиҳасини қабул қилишдан олдинги модда-модда муҳокамаси асосида 29-модданинг биринчи жумласидаги "ахборот" сўзидан кейин "ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар" қўшимчаси киритилган, ушбу модда матни депутатлар томонидан эътирозсиз қабул қилинган.

Эътибор беринг: бундан ўттиз йил олдин Ўзбекистонда Интернет бўлмаган. Шунинг учун Интернет имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқини Конституцияда муҳрлаб қўйиш ҳақида ҳеч қандай фикр ҳам юритилмаган.

Бугунги кунда бутун дунё ўта илғор техник-технологик ўзгаришлар оғушида яшамоқда. Ўзбекистон ҳам Интернет асрига шиддат билан кириб келаётган ҳозирги пайтда баъзи ривожланган давлатлар аллақачон Интернетдан кейинги давр ҳақида бош қотираётгани ҳам муволафа эмас.

Шу маънода, мамлакатимизнинг янгилаётган Конституциясидан "Хар ким Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга" деган норманинг жой олиши замон билан ҳамқадамлигимизнинг ҳуқуқий тасдиғидир.

Конституция лойиҳасининг 29-моддасида ушбу ҳуқуқларнинг чекланишига оид нормани сақлаб қолиш кераки ёки йўқми? Фикримизча, ҳа, сақлаб қолиш керак.

Нега? Чунки бундан 30 йил олдин ҳам халқимиз, халқ вакиллари — депутатларимиз ахборотнинг маърифатпарварлик ва зиёбахшлик қудратини яхши билган. Шу билан бирга, ахборот вайронкор кучга ҳам эгаллигини чуқур анлаган. Шунинг учун амалдаги Конституциянинг 29-моддасида инсоннинг ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини икки ўринда:

биринчидан, "конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот" билан боғлиқ ҳолда;

иккинчидан, "фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина" қонун билан чекланиши белгилаб қўйилган.

Бундай чекловларни умумхалқ муҳокамасида иштирок этган юрдошларимизнинг бир қисми ўшанда ҳам инкор этган бўлса, бошқалари маъқуллаган. Натижанда амалдаги Конституцияни қабул қилган халқ ноиблари айни чекловларни Асосий қонун матнида сақлаб қолиш зарур, деб топган.

Бугун замондошларимиз Интернет асрига ҳам, унинг қасрига ҳам бевосита тувох бўлмоқда. Узоққа бормасдан, яқинда Қорақалпоғистонда юз берган ташвишли воқеаларни олайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 21 июль кунини Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқида шу хусусда ҳам тўхтади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Кўлами тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарлар алоҳида эътибор қаратишимизни таъоза этмоқда. Бугун ушбу таҳдидлар йўлида ҳеч қандай чебра йўқ — улар мобил телефонлар орқали кириб келмоқда. Афсуски, Ўзбекистонда яқинда рўй берган фожиали воқеалар бизнинг режаларимизни бузишга, минтақамизда беқарор вазиятни вужудга келтиришга уринаётган бузғунчи кучлар мавжуд эканини яна бир бор тасдиқлади".

Шу маънода, аввало, Конституциянинг 29-моддаси матни Конституциявий қонун лойиҳасининг ҳозир умумхалқ муҳокамасига қўйилган тахрирда сақлаб қолингани мақбул.

Айни чоғда, биз яшаётган ахборотлашган жамият талабларидан келиб чиқиб, янгилаётган Конституция матнида роботлар, киборглар ва бошқа илғор илмий-техник кашфиёт ҳосилаларидан амалиётда фойдаланишни ҳуқуқий тартибга соладиган илғор нормалар ҳам мустақамлаб қўйилиши ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, янгилаётган Конституция матнида диффамация ҳуқуқи, яъни оммавий ахборот воситаларида инсон шаънини химоя қилиш ҳуқуқи аниқ нормаларда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Токи, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини химоя қилиш баҳонасида сўз эркинлигига тўсиқ қўйилишига ва аксинча, сўз эркинлигидан фойдаланиш асосида инсон қадр-қиммати бадном этилишига йўл қўйилмасин.

ЖАРАЁН



Ақтам ДАЛИЕВ,
Инновацион ривожланиш
вазирлиги бошқарма
бошлиғи ўринбосари

Қишлоқ хўжалиги кўп қиррали, кенг қамровли соҳа. Инновацион ривожланиш вазирлиги ўз ваколати доирасида тармоқда энг илғор технологияларни жорий қилиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Масалан, чорвачиликда генетика усулларини қўллаш орқали чорва зотларининг генофондини кўпайтириш ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш, озуқа-экология базисини кенгайтириш бўйича инновацион технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор берилляпти. 2021-2022 йилларда 18,7 миллиард сўмлик 42 та лойиҳа молиялаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги техникасининг инновацион конструкцияларини ҳамда тармоқда маҳсулот еттиштиришининг янги технологияларини яратиш ишлари учун 2021-2022 йилларда 183 та лойиҳа учун 98,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш учун унинг ресурслари ҳолатини комплекс мониторинг қилиш тизими ҳамда тежамкор суғориш ва ўғитлаш агротехно-

логияларини яратиш, бунда ҳудудларда мобил лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқда мавжуд фойдалар ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг агро-қиммий хариталари ишлаб чиқилляпти. 2021-2022 йилларнинг ўзида бу борада умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлган 12 та лойиҳа молиялаштирилган.

Яқинда Инновацион ривожланиш вазирлигида ўтказилган "Аграр соҳада инновацион технологиялар" ҳафталиги доирасида павильонларда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, паррандачилик, қўнчилик, асаларчилик, боддорчилик каби қатор йўналишларда жорий қилинган ва келгусида татбиқ қилинадиган замонавий технология-

лар кенг намоиш этилди. Унда аграр соҳада фаолият кўрсатувчи 16 та илмий-тадқиқот институти, уюшмалар, хорижий компаниялар ўз инновацион маҳсулотлари билан иштирок этди. Ҳафталик давомида илмий муассасалар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, агрокластерлар ва тадбиркорлар ўртасида умумий қиймати 1 миллиард 678,6 миллион сўм бўлган 16 та шартнома имзоланди ва 25 та келишувга эришилди.

Қайд этиш жоиз, олим ва мутахассисларимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошираётган инновацион лойиҳалар қамрови тобора кенгайиб бораёпти. Бугдой каби фақат уч марта суғориш билан етиштириладиган шоли навлари улардан бири саналади.

Бундан уч йил олдин Жанубий Кореянинг (RDA) Қишлоқ хўжалиги тараққиёт бошқармаси ташкилоти тасарруфидидаги (AFACI) Осиё озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ҳамкорлик ташаббуси ташкилоти кўмағида Халқаро шолчилик илмий-тадқиқот институтидан 200 дан ортиқ нав ва намуналар олиб келинган эди. Улар бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, 2021 йилда Тошкент ва Хоразм вилоятлари дала-ларида синовдан ўтказилди. Энг яхши кўрсаткичга эга бўлган навлар танлаб олинди ва жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган

вилоятида тажрибалар кенгайтирилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Айтиш жоиз, натижалар чакки эмас. Ушбу навлар оддийларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, улар қурғоқчиликка чидамли ва бугдой экинни каби махсус сеялаларда қаторлаб экилади, атиги 3 марта суғорилади. Оддий усулга нисбатан 3-4 минг куб метр кам сув сарфланади, яъни 30 фоизгача тежаллади. Сеялаларда эшик хисобига кўп ишчи кучи талаб этилмайди.

Яна бир йўналишга эътиборингизни тортмоқчиман. Маълумки, юрти-мизда қўйларнинг асосан жайдари, қорақул ва ҳисор зотлари парварти-ланади. Улардан қириб олинадиган жун дағал бўлиб, уни тўқимачилик саноатида, айниқса, экспортга йў-

налтирилган гиламчиликда ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун майин ва ярим майин жун берувчи қўйчиликни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан, асл ватани Ғарбий Осиё бўлиб, сўнгра бутун дунёга тарқалган "меринос" зотли қўйларни мамлакатимизда кўпайтиришга қаратилган лойиҳа эътиборга молик. Мазкур зотли қўйлар XIX асрнинг 70-80-йилларида юртимизга келтирилган, ўтган асрнинг 30-йиллари бошида эса улар беш сонни 45 минггагача етган. Лекин йиллар ўтиб, эътибордан четда қолган.

"Меринос"ларнинг жунни ўта майин бўлиб, инсон сўч толасидан уч қарра ингичка ва ҳар бир бош қўйдан 14-16 килограммгача "олтин тола" олса бўлади.

Аслида, қўй жунини қанча ингичка бўлса, шунча майин, инсон танасига ёқимли бўлади ва аллергия касалликлар кўзгатмайди. Гўшторлиги ҳам юқори — 110 килограммгача тош босади.

Оҳангарон тумани ерларининг асосий қисми қир-адирлардан иборатлиги ва иқлими нисбатан юмшоқлиги сабабли, жун йўналишидаги "меринос" зотли қўйларни кўпайтиришга қўлай. Авваллари туманда минглаб шундай қўйлар боқилган бўлса, 2016 йилга келиб, атиги 105 бош қолган, холос. Уларни кўпайтириш мақсадида Россиядан 50 бош қўшқор ва 670 бош совлиқ олиб келинди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 4 минг 100 га етди.

Мамлакатимизда бу ва бошқа зотдор чорва моллари кўпайтирилиши соҳанинги янги даврини бошлаб бераёпти. Натижанда Ўзбекистоннинг ярим майин жун берадиган гўштор-сервон зотли сурувлари вужудга келляпти. Демакки, гиламчилик ривожига ҳам яна бир йўналиш қўйилади. Аҳолини, айниқса, аёллар ва кам таъминланган оилаларни қўлда жундан гилам тўқишга кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлиги ортади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири соҳа ривожига, янги иш уринлари яратишга, аҳоли даромадини оширишга хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА



Лазиз МИНГИШОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
маънавий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиги

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида ижобий натижалар кузатилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси ишга туширилди. Бу жараёнда асосий эътибор коррупцион ҳаракатларни содир этиш имкониятини қисқартиришга қаратилди.

чириб олиш учун барча имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилар ва бу жараёнда нафақат тизим мутасаддилари, балки таълимга умуман алоқаси бўлмаган фирибгарлар тузоғига тушиб қолиш ҳолати кўп кузатилган.

Энди олий маълумот олиш ниятидаги ёшлар аввалдан ўқишини кўчириб кетиш ниятида эмас, балки олий таълим муассасасини тўғри танлаган ҳолда, шу ўқув дарғоҳини битириш мақсадида ўқишга киришга интилади.

Мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига ўзаро келишув асосида олий ўқув юртлири билан академик мобилликни амалга ошириш ваколати берилди.

Талабалар ўқишини хориждан кўчиришда аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш махсус портал ёрдамида бажарилади. Чет элдан ўқишини Ўзбекистонга кўчириш истагига бўлган талабаларнинг имтиҳонга тайёралини етарлича вақти бўлиши мақсадида давлат олий таълим муассасаларига ўқишни кўчириш бўйича ўттиз бали 2022 йил апрель ойидаёқ оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Масалан, табиий фанлар ҳамда санъат йўналишларида ўқиш бали 80 балл, математика ҳамда педагогика йўналишларида — 94 балл, социология ва психология, журналистика, иқтисод йўналишларида — 105 балл, қуққў йўналишида — 140 балл, соғлиқни сақлаш соҳасида ўқиш бали 129 балл қилиб белгиланди.

Магистратурага қабул жараёни адолатли ва шаффоф ўтказиш учун давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитурининг бакалаврият диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилини билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, бал-

Коррупция ҳолатига барҳам бериш юзасидан профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида давлат олий таълим муассасаларида 2022 йилнинг 6 ойи давомида икки мингга яқин профилактик тадбир, қарийб яна шунча давра суҳбати, семинар-тренинг, учрашувлар ташкил қилинди.

Олий таълим муассасаларида коррупцион ҳолатлар даражасини баҳолаш ва талабаларда коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш мақсадида 200 дан ортиқ турли кўринишдаги сўровнома ва урганишлар олиб борилган.

Рақамлашув жараёни

Олий таълим муассасалари фаолиятининг очиллиги ва шаффофлигини таъминлаш, соҳадаги жараёнларни автоматлаштириш, бюрократик тўсиқлар юзасига келишининг олдини олиш ҳамда молиявий ҳаражатларни қисқартириш мақсадида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS) ишлаб чиқилди ҳамда жорий қилинди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг QR кодли тўлов-шартномаларини t-kontrakt.edu.uz ахборот тизимида шакллантириш имконияти яратилди. Шунингдек, имтиҳон натижаларига кўра талабаларга тавсия этилмаган, бироқ табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида ўқиш истагини билдирган абитуринлар учун онлайн шаклда ариза қолдириш ҳамда тўлов-шартномани онлайн қабул қилиш имконини берувчи t-kontrakt.edu.uz ахборот тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Мазкур ахборот тизими Давлат тест маркази базаси билан интеграция қилинди. Натижада абитуринлар тўлаган бали бўйича контракт миқдори автоматик шакллантирилиши ҳисобига табақалаштирилган тўлов-шартнома миқдорини белгилаш билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларнинг олди олинди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари учун яратилган ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш жараёнининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш борасида адабиётларни қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш ва нашр этишга тавсия бериш жараёнида инсон омилли аралашувини камайтириш ҳамда мазкур жараёни рақамлаштириш мақсадида adabiyot.edu.uz электрон платформаси амалиётга жорий қилинди. Экспертлар томонидан ижобий хулоса берилган адабиётларга нашр рухсатномаларини расмийлаштириш тартибин рақамлаштириш учун QR кодли электрон нашр гувоҳномасини бериш тартиби йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, олий таълим тизимида сўнгги 1-2 йилда коррупция ҳолатини юзасига келтирилган барча йўл ёпилди ва бу жараён қатъий давом этирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан тизимда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар нуносиб рағбатлантирилаётгани, уларга зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, педагогларнинг ойлик маоши бир неча баробар оширилгани ҳам коррупцияга қарши курашда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Албатта, гуруҳ кўрмасиз бўлмади. Шундай ислохотлар ва яратилган шарт-шароитлардан кейин ҳам айрим олий таълим муассасаларида коррупция билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски, учраб турибди. Бунда эски коррупцион тизимни соғинадиганлар ҳам, “ўрганган кўнгил ўртанса қўйма” қабилида иш тутувчилар ҳам, таълимга мутлақо алоқаси бўлмаса-да, фирибгарлик билан муаммай даромад олишни кўзлаётганлар ҳам, илмсизлиги боти имтиҳондан ўтмай, баҳосини сошиб олишни кўзлаётган талабалар ҳам, ўз фарзандини кўнгири йўллар билан ишини битиришга ундаётган, таниш-билиш қидираётган ота-оналар ҳам баравар айбдор.

Аммо ҳар қандай ҳолатда таълим тизимида бу иллатнинг мавжуд бўлишига тоқат қилиб бўлмаслиги, унга қарши муросасиз курашилаётгани, юрт равнақи ҳам, ватан келажиги ҳам айнан шунга боғлиқ экани барчага кундек равшан.

Энг муҳими ҳам шу — тизимдаги барча мутасадди-раҳбар, профессор-ўқитувчилар бу иллатга қарши кураш эълон қилинганини, ҳалоллик вақинасини қўллашни айнан таълим жараёнидан бошлаш зарурлигини, таълим-тарбияда бу иллатга ўрин йўқлигини чуқур англаб етмоқда.



МУНОСАБАТ

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ПЕДАГОГЛАР

ҲОЗИР ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ КЎПРОҚ ЗАРУР

Беҳзод СИРОЖИДДИНОВ,
Андижон давлат педагогика институтининг
илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Халқимизнинг дунёга машҳур олимларидан Имом Бухорий “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай”, деб айни ҳақиқатни айтиб ўтган. Асрлар ўтса-да, бу фикр сайқаланиб, нақадар тўғри эканини исботлаб келмоқда.

Президентимизнинг шу йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёралини олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт ўйғунлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор асосида Андижон давлат университетининг Педагогика институтини негизда Андижон давлат педагогика институтини ташкил этилган, Андижон туманидаги 19-мактаб, Олтинқўл туманидаги 18-мактаб билан ҳамкорлик ўрнатилган. Педагогик таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, унинг узоқ ва ўрта муددатли стратегик дастурини тасдиқлаш ҳамда амалга оширишни назорат қилиб бориш эътибор қаратилмоқда.

Институтимизнинг аҳоли зич жойлашган вилоятларидан бўлган Андижонда педагогика институтини ташкил этилгани нафақат ҳудудда, балки водийда педагог кадрларга эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилади. Қарорда ҳар йили педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари

ихтисослик кафедраларининг камида 5 фоиз профессор-ўқитувчисини ташбу муассасаларнинг бюджетдан таъбир жамғармалари ҳисобидан хорижий давлатларга танлов асосида малака ошириш ва стажировкага юбориш белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамиятлидир.

Институтимиз талабалари ва педагогларни малакасини, меҳнат қўниқини ошириш учун вилоятдаги қатор таълим муассасалари, жумладан, Андижон шаҳридаги 27-мактаб, 13-давлат мактабгача таълим ташкилоти, Андижон туманидаги 19-мактаб, Олтинқўл туманидаги 18-мактаб билан ҳамкорлик ўрнатилган. Педагог таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, унинг узоқ ва ўрта муددатли стратегик дастурини тасдиқлаш ҳамда амалга оширишни назорат қилиб бориш эътибор қаратилмоқда. Институтимиз ўқув режалари ва таълим дастурларининг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал

ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими муассасалари дастури билан ўйғунлигини таъминлаш ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мазкур қарорга асосан, олий таълим муассасамиз ҳузурида Андижон тумани педагогика коллежи ва академик лицей ташкил этилади. Коллеж ва академик лицей ташкил этилиши юқори малакали педагогларни тайёрлаш билан бирга, институтимизда фаолият кўрсатаётган илмий ходимлар салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда педагогларнинг нуфузини ошириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Айниқса, илмий салоҳиятга эга мутахассисларимиз кенг имкониятларга эга бўлди. Бу эса олий таълим тизимида ўқитиш сифатини юқори даражага кўтаришга хизмат қилмоқда.

“Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда турдош олий таълим муассасалари қатори 2023–2026 йилларда Андижон давлат педагогика институтини ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун жамоамиз ғайрат қилиб ишлайди. Еш авлод таълим-тарбияси, юртимиз тарқиқетиға ўз ҳиссасини қўшади.



лар кетма-кетлигиға қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилди ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказиш амалиётидан воз кечилди. Ушбу ўзгариш мазкур жараёнда учрайдиган коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўқишни кўчириш коррупциядан холи

Талабалар ўқишини кўчириш ҳамда тиклашда барча жараён очик ва шаффоф бўлди. Аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш онлайн амалга оширилди. Шунингдек, давлат олий таълим муассасасининг беришдан бошқасига талабалар ўқишини кўчиришга фақатгина куйидаги иккита ҳолатда рухсат берилди:

биринчиси, талаба оила кургани муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда;

иккинчиси, давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини кўчириш (тегишли вазирилик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида) учун мурожаат қилганда.

Давлат олий таълим муассасалари олий таълим муассасалари бўйича мурожаатлар сони ҳаддан зиёд кўп ва бу жараён коррупцион элементлардан холи эмас эди. Жумладан, 2020 йили 28 минг, 2021 йили 56 минг нафар талаба давлат олий таълим муассасалари олий таълим муассасаларига ўқишни кўчириш истагини билдирган.

Бу кўрсаткич 2022 йилда 100 мингдан ошиши кутилган эди. Албатта, 100 минг талаба ўз ўқишини муваффақиятли кў-

Билимни баҳолашдаги шаффофлик

Энг кенг тарқалган коррупция элементлари мавжуд бўлган яна бир тизим — талабалар билимини баҳолаш тартиби ҳам тўлиқ ўзгартирилди ҳамда битирувчиларнинг яқиний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Битирув-малакавий иши ва диссертацияларнинг электрон базаси яратилди. Плагиатга қарши дастурлар ўрнатилди. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, яқиний давлат аттестация синови онлайн режимда овозли видеотрансляция қилинди ҳамда мазкур видеотасвирлар бир йил давомида мутахассислик кафедрасида сақланади.

Амалдаги тартибга кўра, яқиний давлат аттестациясида васийлик кенгаши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари ҳамда кадрлар буюртмачилари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Тизимли тарғибот

Олий таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчилари, кенг жамоатчилик ҳамда талабаларнинг ота-оналари томонидан коррупция ҳолати ҳақида аноним хабар узатиш имконини берувчи *antiScore* расмий телеграм боти фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, вазир ҳамда унинг ўринбосарларига бевоқиф ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат йўллаш имконияти яратилди.

КАРТОШКАНИНГ ЯНГИ НАВИ ЯРАТИЛДИ

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — FAO маълумотларига қараганда, дунёдаги 150 та мамлакатнинг 20 миллион гектар ерида йилга 359 миллион тонна картошка етиштирилади. Мазкур кўрсаткич 2025 йилда 500 миллион тоннага, 2030 йилга келиб эса 750 миллион тоннага етиши кутилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Дунё аҳолисининг муттасил ўсиб бориши бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга картошкага эҳтиёж ҳам янада ошишига сабаб бўлади.



ИЛМ-ФАН

Картошка дунё бўйича энг кўп етиштирилган сабзавотлардан бири. Талабнинг юқорилиги, таом тайёрлашда асосий масалликлардан бўлгани учун унинг “иккинчи нон” деб ҳам аташди.

Бу маҳсулотнинг мамлакатимиз ҳудудда экишти тавсия қилинган ва қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган 100 дан ортиқ нави бор. Юртимизда картошканинг эртапишар, ўртапишар, ўрта кечпишар навлари экинлади.

Кейинги йилларда зараркунанда ҳашаротлар, фитопатоген микроорганизмлар ва ташқи шароитлар, ер шўрланиши, ҳаво ҳарорати кўтарилиши таъсирида кўпгина қишлоқ хўжалиги экинлари сингари картошканинг ҳам ҳосилдорлиги пайсалиб кетиши кузатилмоқда. Шунинг учун турли таъсириларга чидамли янги картошка навларини яратиш олимларимиз, селекциячиларимиз олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази олимлари, биология фанлари

докторлари Забардаст Бўриев, Хуршида Убайдуллаева ҳамда кичик илмий ходим Феруза Бобонова узоқ йиллик изланишлардан сўнг ана шундай нави яратди. Муаммоларга ечим бўла оладиган, ҳосилдорлиги юқори бу картошка навини “Бисёр” деб номлашди.

Анъанавий селекция усули ёрдамида янги картошка навларини яратиш учун 15-20 йил вақт сарфланади, кўп ҳаражат талаб этилади. “Бисёр” навини олишда ген-нокаут технологиясидан фойдаланилди. Бу технологиянинг афзаллиги шундаки, уни кўллаш орқали қисқа муددатларда, яъни 5-7 йилда лаборатория шароитида янги нави олиш имконияти мавжуд. Мазкур нави экологик тоза бўлиб, бегона ген киритилмасдан, картошканинг Б фитохром генини “қисман ўчириб қўйиш” орқали олинди.

— “Бисёр” навини яратиш учун устозларим билан олти йил давомида изланишлар олиб бордик ва нихоят меҳнатимиз ўз самарасини берди. Биз мақсадга эришдик, — дейди Феруза Бобонова. — Бу навнинг яна бир

афзаллиги ҳосилдорлигининг юқори эканида. Мисол учун, ҳозирги кунда бир гектарга экилаётган картошкadan 32-35 тоннагача ҳосил олинаётган бўлса, янги навнинг ҳосилдорлиги гектарига 40-45 тоннани ташкил этади. Шунингдек, бошқа навлар 85-90 кунда пиша, бу 80-85 кунда етилади.

Айни пайтда нави бўйича патент олиш мақсадида Интеллектуал мулк агентлигига ариза топширилди ҳамда янги уруғлик синовдан ўтказиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига тақдим этилди. Синов жараёнларидан сўнг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга рухсат берилди.

Қурғоқчилик, шўрланиш, юқори ҳарорат каби абиотик стресслар қишлоқ хўжалиги ва табиатга жиддий зарар келтирувчи омиллардир. Бундай абиотик стресслар йиллик ҳосилни ўртача 50 фоизгача камайтириши мумкинлиги аниқланган. Мазкур омиллар ўсимликнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилувчи турли морфологик, физиологик, биохимий ва молекуляр ўзгаришларга олиб келади. Ўсимликларда қурғоқчиликка жавоб реакцияси кўпгаб генлар томонидан бошқарилади. Айрим ўсимликлардаги *Eskimo-1* гени абиотик стрессларда, жумладан, қурғоқчилик, шўрланиш ва совуққа чидамликда муҳим ўрин тутди.

Феруза Бобонова айти кўнларда картошканинг “Eskimo-1” гени функциясини РНК-интерференция технологияси ёрдамида сусайтириш, турли ташқи таъсириларга чидамлилик хусусиятини ўрганиш борасида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Ҳозиргача дастлабки натижалар олинган. Ушбу тадқиқот картошканинг қурғоқчилик, шўрланиш ҳамда совуққа чидамли янги навларини яратишда алоҳида аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, картошканинг янги навини кенг қўлдан етиштириш ҳосилдорлигини ошириб, аҳолининг таълим маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ ДАВОМЧИСИ

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кўхна тарихнинг ҳали очилмаган қанчадан-қанча сир синоплатлари бор. Истиқлол шарофати билан дунё тамаддунига тамал тоши қўйган боёқонларимиз номи яна қайта тикланипти. Уларнинг бир вақтлар эътибордан четда қолган, қаровсиз аҳволга тушган муқаддас қадамжолари, табаррук масканлари обод манзилларга айланмоқда. Буюк алломаларимиз мангу кўним топган зиёратгоҳлар таъмирланиб, бой маънавий-маърифий мероси тадқиқ этилмоқда.

Мотуридия мактабининг энг йирик намоёндаларидан бири Абу Муин Насафий ана шундай улғу алломалардан эди. У ўзининг маънавий устози, буюк мутақаллим имом Абу Мансур Мотуридий таълимотини янада ривожлантириб, бу таълимот бутун Шарқ мамлакатларига кенг тарқалишида бекиёс хизмат кўрсатган.

Абу Муин Насафий бошланғич билими оилада отаси ва бобосидан олган, сўнгра Самарқанд, Бухоро шаҳарларида замонасининг пешқадам имомлари сабоғида бўлган. Кейинчалик муайян вақт ушбу шаҳарларда яшаб, мадрасаларда дарс берган.

Ақида масалалари ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу боис, бу муҳим масала ҳар доим илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келади. Абу Муин Насафий шу йўналишда бир неча асарлар яратган. Унинг “Табсирут ул-адилла” асари имом Абу Мансур Мотуридий асос солган Мотуридия таълимотининг дунё бўйлаб ёйилишига катта хизмат қилди. Аллома бу асарда ўша даврдаги бузғунчи тоифаларга кескин раддиялар билдирган.

Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” ҳамда Абу Муин Насафийнинг “Табсирут ул-адилла” китобини ўзаро қийсий таҳлил этган олимлар фикрича, у “Китоб ат-тавҳид”дан кейинги нуфузли китоб саналади. “Қасийдал-қавоид фи илм ал-ақоид” асариди ҳам ботиний тоифага мансуб кишиларнинг хато қарашларига раддиялар беради. Шу жиҳатдан Абу Муин Насафийнинг бу асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти тадқиқотчилари ҳамма 1000 саҳифадан ортқ бўлган “Табсирут ул-адилла” китобини 1990 ва 1993 йилларда Дамашқ шаҳрида икки жилд ҳолида нашр эттиргани ҳам бу асарнинг улкан маънавий қийматидан далолат беради. Ушбу нашрни тайёрлашда асарнинг 1269 йилги Бухорода Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Хусайн исми хаттот томонидан кўчирилган ва Мисрнинг Искандария шаҳри, шунингдек, Қоҳирадаги “Дор ул-кутуб ал-Мисриййа” ва машҳур ал-Азхар университети кутубхоналарида сақланаётган мўтабар қўлёзмаларига таянилган. Унинг илм аҳлига яхши таниш бўлган яна бир китоби “Баҳр ал-Калом фи илм ал-Калом” ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария шаҳарларидаги кутубхоналарда сақланмоқда.

Афсуски, Абу Муин Насафийнинг ҳаёти ва асарлари собиқ тузум даврида умуман ўрганилмаган. Истиқлол шарофати билан кўплаб алломаларимиз қаторида унинг ҳаёти ва асарларини илмий асосда ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Алломанинг руҳи мангу кўним топган манзил обод гўшага айлантирилди.

Аллома қадамжоси обод бўлди

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 24-25 февраль кунлари Қашқадарёга ташрифи чоғида Абу Муин Насафийнинг Қарши туманидаги Қовчин

кишлоғида жойлашган қадамжосини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратга келувчиларга зарур шароитлар яратиш, ушбу масканда кутубхона ташкил этиш ҳамда аллома асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди. Шундан сўнг бу муқаддас масканга катта эътибор қаратилди. Дастлаб аллома қабри устидаги мақбара таъмирланиб, янада чиройли кўринишга келтирилди. Атрофи ободлаштирилиб, қадимий ёзувлар мавжуд бўлган, кейинги пайтда анча эътибордан четда қолган қабр тошлари тартиб билан териб чиқилди. Мақбара ёнидан жой олган эски масжид ҳам қайта таъмирланиб, нақшинкор безаклар солинди.

Бу ерда кичикроқ масжид бўлиб, таъмирталаб аҳволга келиб қолганди, — дейди мазкур зиёратгоҳ ходими Шавкат Каримов. — Адашмасам, бу масжид анча йиллар илгари бунёд этилган. Шу боис, маскандаги бунёдкорлик ишлари даврида унга ҳам эътибор қаратилди. Жойи аллома мақбарасига жуда яқин бўлиб қолгани учун бироз наридан янги, 320 ўринли замонавий, ёруғ ва шинам масжид қурилди.

Минг ёшли тут

Зиёратгоҳ ҳовлисидаги кекса тут дарахтининг ёши минг йилдан ошган. Мозийнинг қанчадан-қанча яхши-ёмон кунларига гувоҳ бу дарахт кўрини-



шидан минг йил аввал экилганга ўхшамайдми. Бунга эса маҳаллий аҳоли чиройли изоҳ беради: қайси манзилга одам эътибори тушиб, ободлаштирилса, атроф гузаллашиб, табиат ҳам ёшариб бораверади. Шундан бўлса керак, бир пайтлар бу жойлар эътибордан четда қолганда, дарахтлар кўриб, шохлари синиб, гўё ўсишдан тўхтаган. Бугун эса минг йиллик дарахт яна ёшариб бораётди. Одамларнинг гапи ростлигига зиёратгоҳга борсангиз ўзингиз гувоҳ бўласиз. Кекса тутнинг ёнида яна бир неча дарахт бор. Уларнинг ҳам ёши тўрт юз, тўрт юз эллик йил. Барча дарахтлар алоҳида муҳофазатга олинган.

Бир пайтлар ўз илми билан доруқ таратган, кишилар қалбига згуғулик улашган бобомиз мероси бугун

кенг кўламда ўрганилаётгани бизни қувонтиради, — дейди Қарши тумани Қовчин кишлоғида яшовчи ижодкор Нуриддин Эгамов. — Шундай улғу

Кейинги пайтда зиёратгоҳдаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида янги замонавий тилдаги 320 ўринли масжид қурилиб, фойдала-



аллома билан фахрланамиз. Унинг китобларини ўқиб, ўрганиб бормоқдамиз. Бир пайтлар мутафаккир бодимиз қадамжосига эътибор умуман йўқ эди. Бугун эса азиз ва мўтабар масканга, гўзал жойга айланди. Қишлоғимиз ҳам обод бўлиб, ўзгача чирой очди.

XI асрда қазилган қудуқ

Муқаддас қадамжо ҳовлиси ўрта-сидаги қудуқ олдида бир муддат тўхтаркансиз, унинг тубига термилганча хаёлга берилишингиз табиий. Тарихи XI асрга бориб тақаладиган бу қудуқ не-не алломалару қанчадан-қанча ахли донишлар, подшоҳу гадоларнинг чанқоғини қондирган. Ундан бир қўлтум сув ичганингизда беҳосдан қулоғингизга олис мозийдан қарвон кўнгири жарағини, Буюк ипак йўли орқали Бухоро томон кетаётган туяларнинг бу табаррук маскан томон бурилгани, зиёрат истагида шошилаётган одам-

ларга кўзингиз тушгандек бўлади. Кўз олдингиздан ўтаётган хаёлий тасвирлар бу ерда неча бор амалда тақорланган бўлса ажабмас. Маълумотларга кўра, бу қудуқ бир пайтлар озига катта тош бос-тирилиб, ёпиб ташланган. Унинг устига супа қилиниб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида одамлар пахта даласида ишлаб, шу ерда дам олган. 1950-йилларга келиб қишлоқ кексаларидан бири супа тағида қудуқ борлигини айтиб қолади. Қишлоқ ахли супани бузиб, тағидан катта тош билан ёпиб қўйилган қудуқни топади. Шундан сўнг қудуқ атрофи тазаланиб, туяларга қовға боғлаб, чарх ёрдамида бир неча кун сув тазаланади. Аҳоли эса бу қудуқдан фойдалана бошлайди.

нишга топширилди. Шунингдек, масканда янги кутубхона ҳам бор. Бу ерда ташриф буюрувчилар кутубхона фондида сақланаётган икки мингга яқин бадий адабиёт, илмий ва маърифий китобни ўқиб, Насафийнинг ноёб асарларидан баҳраманд бўлиши мумкин. Яқин атрофдаги маҳаллаларнинг болалари учун кутубхона эшиклари доим очик.

Зиёратгоҳда ташкил этилган музейда қадимий Самарқанд қоғозига битилган Қуръони қаримнинг асл нусхаси, матога тўқиб ёзилган муқаддас оятлар, Абу Муин Насафий қаламига мансуб қўлёзмалар, тарихчи олимларнинг китоблари сақланмоқда. Алломанинг ҳаёти ва асарлари мультимедиа воситалари орқали акс эттирилган.

Ақида илми мактаби

Ҳар бир даврда бўлгани каби бугун ҳам жаҳондаги асир қўллар, разолат ботқоғига ботган оқимлар ўз мақсадларига эришиш йўлида муқаддас илм таълимотини тескари талқин этиб, ундан қурол сифатида фойдаланишга интиломоқда. Бу оқимлар ўзларича тўғри деб илгари суратган ёлғон ақидадан, асоссиз даъволарга қарши курашиш кучли исботланган илмий ҳулоса, раддиялар битилган манбаларни талаб этади. Бундай раддияларни Абу Муин Насафий каби алломаларимиз илмий меросидан топамиз.

Ақида илмининг буюк намоёндаларидан бири, ислом дини софлигини сақлашга қаратилган кўплаб илмий асарлар муаллифи Абу Муин Насафий илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларидаги бугунги кун учун энг долзарб жиҳатларни ёш авлодга етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, 2017 йил ноябрь ойидан Ўзбекистон мусулмонлар идораси Қашқадарё вилоятидаги вакиллик биносидида ақида илми мактаби иш бошлади, — дейди вакил ўринбосари Муҳаммад Қороев. — Дастлаб 11 ўқувчи қабул қилинган бу мактабда буюк мутафаккирларимиз Имоми Аъзамнинг “Фиқҳ ул-ақбар”, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Имом Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг “Ақоиди Насафий”, Имоми Таҳовийнинг “Аидат ул-таховий” ҳамда Абу Муин Насафийнинг “Ат-тамҳид ли қоваъидит тавҳид фи илм ил-қалом”, “Табсирут ул-адилла”, “Баҳр ул-қалом фи илм ил-қалом” китоблари ўқитилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизни турли диний-сиёсий оқимларнинг бузғунчи ғояларидан асраш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда Абу Муин Насафий илмий-маънавий мероси муҳим аҳамият касб этади.

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ХОРИЖДА ЭМАС, ЎЗИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



ТИББИЁТ

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнги йилларда тиббиёт соҳасига қаратилган юксак эътибор туфайли энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам мамлакатимизда амалга оширилмоқда. Шу боис, фуқароларимизнинг чет давлатларга боришига ҳожат қолмапти.

Яқинда 170 нафар беморда юрак жарроҳлигини амалга ошириш учун Тошкент ва Самарқанддан Нукусга тажрибали шифокорлар келди. Эътиборлиси, жарроҳлик операциялари янги келтирилган сунъий қон айланиш ускунаси ёрдамида амалга оширилди.

Шифокорлар Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг инновацион клиникасида беморларни тиббий текширувдан ўтказди. Шу жойнинг ўзида 18 ёшгача бўлган болаларда мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилмоқда.

Бугунги кунда тиббиётдаги муаммоларга ечим топиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Аммулло Иноят. — Айниқса, кейинги 5 йилда Қорақалпоғистонда тиббиётга муносабат мутлақо ўзгарганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган болалар клиникаси қурилгани ва у энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани сўзимиз тасдиқидир. Шунингдек, туртинчи даражали перинатал марказнинг қурилиши 2023 йилнинг биринчи чорагида тугатилиб, ишга туширилади. Шу билан бирга, Қорақалпоғистоннинг ўзида ихтисослашган мураккаб жарроҳлик амалиёти, хусусан,

Тошкент шаҳрига жарроҳлик операцияси учун олиб боролмади. Нукусга келган шифокорлар неча йиллар орзиқиб қутилган жарроҳлик операциясини бепул, муваффақиятли ўтказишди.

— Қорақалпоғистонда экологик аҳволнинг оғирлиги инobatга олинган ҳолда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Алина Маткаримова. — Айниқса, туғма юрак касаллиги билан туғиладиган болалар сони кўп. Ҳар йили болаларни тиббий кўриқдан ўтказиб, касалликка чалинганларни рўйхатга оляпти. Марказимизга Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Самарқанд худудий филиалидан кардиохирурглар келиб ёрдам кўрсатмоқда. Биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган оила болаларига эътибор қаратилиб, уларда юқори технология кардиохирургик жарроҳлик амалга оширилмоқда. Ушбу жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган болалар ота-оналарининг қувончини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Биз, тиббиёт ходимлари болаларнинг соғлигини асрашда бор билим ва тажрибамизни



юрак пороғи қилинган туғилмаётган болаларни операция қилишнинг йўлга қўйилгани Президентимизнинг тиббиёт соҳаси ривожига бераётган эътибори самарасидир. Буни халқ кўриб, билиб, сезиб турибди. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Қорақалпоғистон тиббиёт институти базасида кардиология, онкология, эндокринология маркази, республика кўп тармоқли касалхонаси ва яқинда ишга тушадиган перинатал марказ яхлит битта жойга жойлаштирилиб, тиббиёт кластери ташкил этиляпти. Эндилдида болалар туғма нуқсон билан боғлиқ операциялар доимий равишда амалга оширилади. Тиббиётда ҳали муаммолар бор. Лекин ҳар бири чуқур ўрганилиб, муаммоларга тизимли ёндашилмоқда. Биз бугун Қорақалпоғистон тажрибасини жорий этмоқдамиз.

Ҳақиқатан, Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида барча имкониятлар яратилган. Даволаш хоналари болалар ва уларнинг ота-оналари учун мос равишда жиҳозланган.

Раъно Халмуратова ўн йилдан буён фарзанди хаста эканлигидан ташвишда эди. Энди эса унинг кўнгли хотиржам.

Эленора Кенесбаева эса 15 йилдан буён туғма юрак пороғи билан курашиб келади. Мактабда бадантарбия дарсига қатнаша олмасди. Зарур маблағ бўлмаганлиги туфайли ота-онаси Эленорани

ишга соляпти. Шунингдек, ўзимизда ёш кардиохирург мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб, беморлар тиббий кўриқдан ўтказилгандан сўнг, мураккаб жарроҳлик амалиёти бажариляпти. Натижада беморлар саломатлиги тикланипти. Бу мамлакатимизда “Инсон қадрини” деган устувор тамойил амалда бўй кўрсатаётганининг ифодасидир.

— Бир гуруҳ мутахассислар Самарқанддан Нукус шаҳрига етиб келдик, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд худудий филиали директори Мақсуд Саидов. — Бу бизнинг иккинчи ташрифимиз. Жорий йилнинг март ойида биринчи марта Нукусда мураккаб юрак операцияларини бажарганмиз. Қорақалпоғистонда мураккаб юрак операциясини ўтказишга ҳамма шароит бор. Барча операциялар давлат ҳисобидан бепул амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа бўйича мутахассис тайёрлашда ҳам ёрдам кўрсатмоқдамиз. Уларни Самарқандга олиб бориб, ўқитяпти. Ушбу ёшлар Янги йилгача бемалол операция қила олади.

Мухтасар айтганда, “Инсон қадрини” деган устувор тамойил асосида олиб борилаётган ислохотлар ҳар бир инсоннинг қалбидан жой олмоқда, инсон қадрини ҳамма нарсадан улғу экани ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳ: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй